# ШАРТНОМА № 92099

"07" июнь 2022 йил                                                    Тошкент шаҳри

"Muxammatov Nizom Axadovich" ЯТТ, бундан буён «Бажарувчи» деб аталувчи, раҳбари Н.А.Мухамматов Низом асосида иш юритувчи бир томондан ва Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги, бундан буён «Буюртмачи» деб аталувчи, раҳбари С.Обидов, Низом асосида иш юритувчи иккинчи томондан қуйидагилар тўгрисида шартнома тузадилар:

## 1. Шартнома предмети

1.1«Иш бажарувчи» «Буюртмачи» томонидан буюртма қилинган "Хорижий тилларни билиш ва хорижий тил ўқитувчиларининг малака ва кўникмаларини баҳоловчи миллий ва халқаро тан олинган сертификатларнинг Ягона электрон базаси"ни яратиб беради, «Буюртмачи» эса иш хажми бўйича бажарилган (хизматлар) ишларини қабул қилиб, мазкур шартнома шартлари асосида тўловларни амалга оширади.

| № | Товар (иш, хизмат) номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Нархи | Умумий суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Услуги по программированию | услуга | 1 | 100 000 000 | 100 000 000 |
| | **ЖАМИ:** | | | | **100 000 000** |

## 2.Бажариладиган иш хажмининг нархи ва умумий қиймати

2.1 Бажариладиган иш хажмининг умумий қиймати Республикамиз миллий валютаси сўмда белгиланади.

2.2 Шартнома умумий суммаси ҚҚСсиз 100 000 000 **(юз миллион)** сўмни ташкил қилади

2.3 Бажариладиган ишнинг қиймати, нарх ошганлиги натижасида ўзгарганда, «Буюртмачи»га олдиндан хабардор қилиб, ўзгарган нархини асослаган холда иш бажарилади.

2.4 «Буюртмачи» ўзгарган нархлар асосида қўшимча тўловларни бюджетда кўрсатилган лимит доирасида амалга оширади .

## 3. Тўлов шартлари

3.1 Бажариладиган иш хажмини тўлик қийматининг 30% миқдорда 10 банк кунида «Иш бажарувчи»нинг махсус хисоб рақамига (сўмда) олдиндан тўловни амалга оширади.

3.2 Тўлик хизматлар (ишлар) бажарилгандан сўнг бажарилган ишлар далолатномаси (хисоб фактура) асосида 5 (беш) банк кунида қолган 70% тўлов «Иш бажарувчи»нинг махсус хисоб рақамига ўтказиб берилади.

3.3 «Буюртмачи» томонидан мазкур шартноманинг 3.1. банди талаблари бажарилмаган тақдирда «Иш бажарувчи» шартномада кўрсатилган иш хажмини бажармасликга хақли бўлади.

3.4 «Буюртмачи» тўловларни бажарилган иш (кўрсатилган хизмат, акт далалатномаси, хисоб-фактура)га асосан шартномадаги умумий суммадан чиқмаган холда амалга оширилади.

## 4. Ишнинг бажарилиш тартиби

4.1. Шартноманинг умумий суммасидан чиқмаган холда «Иш бажарувчи» шартномада кўрсатилган ишларни тўлик бажариши шарт.

4.2 Шартноманинг 3.1. бандига асосан пул маблағлари «Иш бажарувчи» нинг хисоб рақамига ўтказилгандан сўнг 10 (ўн) банк иш кунида шартномада кўрсатилган иш (хизмат)лар бажарилиши шарт.

4.3 Бажариладиган иш хажми шартноманинг умумий суммасидан ошса «Буюртмачи» ва «Иш бажарувчи» томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли қарори талаблари асосида бюджет маблағлари доирасида ўзгартириш киритиши ёки бекор қилиниши мумкин.

4.4. Шартномада кўрсатилган иш хажмини «Иш бажарувчи» «Буюртмачи»га топширгандан сўнг иш тўлик бажарилган хисобланади.

## 5. Томонларнинг мажбуриятлари

5.1 « Иш бажарувчи» мажбуриятлари:

• Олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг, шартномада кўрсатилган иш хажмини бажаришни бошлайди.

• «Иш бажарувчи» ишларни сифатли ва белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлайди.

• Иш жараёнида «Буюртмачи» аниўланган камчиликларни ўз ваўтида бартараф этиб боради.

5.2 «Буюртмачи» мажбуриятлари:

• Бажарилган иш хажмини ўабул ўилиб олгунча «Иш бажарувчи» иштирокида бажарилган ишни обдон куздан кечиради ва унинг сифатига яроўлилигига эътибор беради;

• Агар бажарилган иш талабга жавоб бермаса, яъни сифатсиз бўлса, «Буюртмачи» қабул қилмасликка ва сифатсиз бажарилган иш қисмини қайтадан тўлик, сифатли, бажариб беришини талаб қилишга хакли бўлади.

• Бажарилган иш хажми «Буюртмачи» томонидан тўлик қабул қилиб олингандан сўнг «Иш бажарувчи»га шартномада кўрсатилган сумманинг қолган қисмини тўлик ўтказиб бериши шарт.

## 6. Томонларнинг жавобгарлиги

6.1. Томонлар шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекс ва 29.08.1998-йилдаги 670-1-сонли «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунининг асосан 25-32 бандлари бўйича жавобгар бўладилар.

6.2. Тўловлар муддати кечиктирилганда, «Буюртмачи» кечиктирилган хар бир кун учун 0.05% миқдорида, лекин шартноманинг умумий суммасини 50% дан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.3. Шартномада кўрсатилган иш хажмини ўз вақтида бажарилишини кечиктирганлиги учун «Иш бажарувчи» кечиктирилган хар бир кун учун 0.05% миқдорида, лекин шартноманинг умумий суммасини 50% дан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.4. Бажарилган иш хажми «Буюртмачи» томонидан қабул қилингандан кейин икки томоннинг келишувига биноан 12 (ўн икки) ой муддатга жавобгарлик «Иш бажарувчи» томонида қолади.

6.5 Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

6.6 Шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки бир тарафлама ўзгартириш киритишга йўл қўйилмайди.

## 7. Низоларни хал этиш тартиби

7.1. Мазкур шартнома бўйича томонлар шартларни бажармаган тақдирда, жавобгар томон келтирилган моддий ва маънавий зарарларни қоплайди.

7.2. Томонлар ўртасада шартномани тузишда, бажарилишида, ўзгартириш ва бекор қилишда етказилган зарарларни коплашда юзага келадиган низолар огохлантириш ва даъво хатлари тартибида, агарда муросага келинмаганда вилоят Хужалик Суди оркали хал қилинади.

## 8. Коррупцияга қарши курашишга доир мажбурий шартлар

8.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар:

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатларини амалга оширмаслик;

шу жумладан пора таклиф қилмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилик қилмаслиги, тўғридан-тўғри ёки билвосита пора олишга, яъни моддий бойликлар ёки мулкий имтиёзларни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида давлат хизматлари агентлиги ходими ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муайян ҳаракатларни бажармаслиги шарт.

Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайдилар.

8.2. Агар томонлар шартнома шартларининг бузилишига дуч келса, шунингдек, Агентлик ходимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлган хатти-ҳаракатлари, шу жумладан коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этилганлиги ҳақида қуйидаги алоқа каналларига мурожаат қилиш мумкин:

Давлат хизматлари агентлигининг “1148” рақамидаги ишонч телефони ёки “1008” Адлия вазирлигининг ишонч телефони орқали;

Агентликнинг (“@davxizmataloqa_bot”) ҳамда Адлия вазирлигининг (“@anticorbot”) телеграм каналлари орқали; Агентликнинг (davxizmat@exat.uz) электрон почтаси орқали

**9. Қўшимчалар**

9.1. Икки томоннинг ўзаро ёзма келишувига асосан мазкур шартномага киритиладиган ўзгариш ва қўшимчалар қонуний кучга эга бўлади. Ўзгариш ва қўшимчалар шартномага илова қилиниши хам мумкин. Қилинган илова икки томоннинг мухири ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши шарт.

9.2. Бир томонлама шартномани бекор қилишга тўлов шартлари бажарилмаганлиги ва махсулот етказиб бериш тартиблари бўзилганлиги асос бўлади.

9.3.Шартномада кўрсатилган маблагдан ортиқча бажарилган иш ҳажмининг маблағини буюртмачи тўлаб беришни ўз зиммасига олмайди.

**10. Форс- мажор**

10.1 Агар шартнома тузилгандан сунг икки томон ўз мажбуриятларини ғайри табиий холатлар, сув тошкини, ёнғин, ер қимирлаш ва бошқа табиий офатлар сабабли бажарилмаса, хеч қайси томон тўла ёки қисман бажарилмаган мажбуриятлар учун жавобгар хисобланмайдилар.

**11. Шартноманинг амал қилиш муддати**

11.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва «31»декабр 2022 йилгача амалда бўлади.

11.2. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилган бўлиб икки томон учун хам тенг кучга эга бўлиб банк хисоб-китобларини амалга оширишга асос бўлади.

**12. Томонларнинг юридик манзили**

| «Иш бажарувчи» | «Буюртмачи» |
|---|---|
| НОМИ: ЯТТ "Muxammatov Nizom Axadovich" | НОМИ: |
| МАНЗИЛ: Toshkent sh. Yunusobod tuman 4-85 | МАНЗИЛ: |
| Х\Р: 20218000005452281001 | Х\Р: |
| ИНН: 567518128 | ИНН: |
| ОКОНХ: | ОКОНХ: |
| МФО: 01088 | МФО: |
| НОМИ: Toshkent sh. "Kapitalbank" AT bosh ofisi | НОМИ: |
| Тел: +998 ... 63-31 | Тел: |
| РАХБАР ________ (имзо) Muxammatov N.A (ф.и.о ) | РАХБАР ________ (имзо) ________ (ф.и.о ) |

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги
Адрес: Тошкент ш., Учтепа тумани Кичик халқа йули Г-9.21 А уй
Л/С: 4010 1086 0262 6270 9890 4080 001
ИНН: 308 515 032 МФО: 00014
Молия Вазирлиги Ғазначилиги
Р/С: 2340 2000 3001 0000 1010
ИНН: 201 122 919

Юристконсульт

07.06.2022 йил № 92099 шартномага
**ИЛОВА № 1**

**СПЕЦИФИКАЦИЯ**
**«Дастурий таьминотни ишлаб чиқиш ва хизмат кўрсатиш» бўйича**

| Босқичлар | Вазифалар | Нархи |
|---|---|---|
| №1-босқич: фигма орқали дастур протатипи ишлаб чиқилади ва муҳокама учун буюртмачига тақдим қилинади | Ҳизматлар тури | 10 000 000 сўм |
| №2-босқич: Танланган протатип асосида дастурий маҳсулот ишлаб чиқилади | ЖШШИР орқали фойдаланувчиларни рўйҳатдан ўтказиш | 30 000 000 сўм |
| | Фойдаланувчи кабинетини ташкил этиш. Унда фойдаланувчи маьлумотларини ўзгартириш, сақлаш имконияти. | |
| | Фойдаланувчи кабинети орқали агентлик томонидан ташкил этилаётган тест синовларига ариза юбориш | |
| | Фойдаланувчиларга ҳабарномаларни юбориш | |
| | Фойдаланувчи сертификатини текширувга юбориш ва агентлик ходимлари томонидан ушбу сертификатларни текширувдан ўтказиб, тегишли натижани фойдаланувчига юбориш. Текширувдан ўтган сертификатларни умумий сертификатлар базасига сақлаш | |
| | Базадаги сертификатларни текшириш | |
| №3-босқич: Қуйидаги қўшимча ҳизматлар ишлаб чиқилади | Агентлик ходимлари учун администратор ролларига ажратиш | 40 000 000 сўм |
| | Администраторлар томонидан фойдаланувчиларни бошқариш | |
| | Платформада тестлар ташкил қилиш | |
| | Фойдаланувчилар томонидан тестларни сотиб олиб, тестларда қатнашиш. Натижаларни текширувга юбориш | |
| | Текширувга юборилган тестларни ўқитувчилар томонидан текширувдан ўтказиш, натижаларни фойдаланувчиларга юбориш, натижалар бўйича сертификатлар тақдим этиш | |
| | СМС-хабарнома хизматини ташкил этиш, фойдаланувчиларга хабарномалар бўйича смс лар юбориш | |
| №4-босқич: Дастурий махсулот буюртмачига тақдимот қилинади ва муҳокамада юзага келган ўзгартиришлар (қўшимча ва камчиликлар) амалга оширилади | | 0 |
| №5-босқич: Дастурий маҳсулот ишга тушгандан сўнг 1 йил давомида буюртмачи томонидан таклиф қилинган қўшимча функцияларни қўшиш ва ўзгартиришлар амалга оширилади. 12 ой давомида баглар яни платформада бўладиган камчиликларни бартараф этиб бориш. | | 20 000 000 сўм |
| **Жами:** | | **100 000 000 сўм** |

**Ижрочи:**

ЯТТ "MUXAMMATOV NIZOM AXADOVICH"

Мухамматов Н.

**Буюртмачи:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги

Обидов С.

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги директори ўринбосари**

**Комиссия раиси_______________А.Хусанов**

**Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги энг яхши таклифии танлаш комиссиясининг йиғилиш**
**БАЁНИ №**

Тошкент ш. 6 июнь 2022 й.

Раислик қилувчи: Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги директори ўринбосари, комиссия раиси А.Хусанов

Иштирок этдилар: Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлигининг танлов комиссия аъзолари Б.Султонов, А.Сатторов, А.Абдуллаев, М.Вахобов ва Ш.Набиева.

**Кун тартиби:** Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлигининг иш фаолияти учун “Хорижий тилларни билиш ва хорижий тил ўқитувчиларининг малака ва кўникмаларини баҳоловчи миллий ва халқаро тан олинган сертификатларнинг Ягона электрон базаси”ни яратиш бўйича энг яхши таклифларни танлаш бўйича кўриб чиқиб, ғолиб аниқлаш масаласи.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли қонуни 7-боб 62-модда талабларига мувофиқ жорий йилнинг 1 июн куни лот №92099 бўйича энг яхши таклиф берган иштирокчи махсус ахборот портал томонидан аниқланди. Унга кўра иштирокчилар “NAPA AUTOMOTIVE” МЧЖ дан 100 000 000 сўм, “MUXAMMATOV NIZOM AXADOVICH” ЯТТдан 100 000 000 сўм ҳамда “UTAYEV AZIMJON ABDIROZIQOVICH” ЯТТдан 140 000 000 сўм нархлар таклиф этилган бўлиб, энг яхши нарх берган ва юқори бал олган иштирокчи сифатида “MUXAMMATOV NIZOM AXADOVICH” ЯТТ ғолиб деб топилганлиги юзасидан баённома расмийлаштирилиб давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Энг яхши таклифни танлашни ўтказиш натижалари бўйича икки иш куни давомида эътирозлар келиб тушмади. Харид комиссияси томонидан ғолиб деб

топилган иштирокчи “MUXAMMATOV NIZOM AXADOVICH” ЯТТнинг 100 000 000 сўмлик таклифи бир овоздан маъқулланди ва йиғилиш аъзолари;

## ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ МАЪҚУЛЛАБ ҚАРОР ҚИЛДИ:

**1**. 2022 йил 1 июньдаги куни лот №92099 Лот рақами 92099-сонли танлов Баённомаси бўйича ғолиб “MUXAMMATOV NIZOM AXADOVICH” ЯТТ белгилансин ҳамда тегишли тартибда шартнома расмийлаштирилсин.

**2**. Махсус https://etender.uzex.uz электрон порталига энг яхши таклифни танлаш натижаси бўйича ушбу йиғилиш баёни ва расмийлаштирилган шартнома жойлаштирилсин.

| | | |
|---|---|---|
| Бош ҳисобчи, комиссия аъзоси | ____________ | Б.Султонов |
| Кадирлар бўлими, комиссия аъзоси | ____________ | М.Вахобов |
| Бош мутахассис, комиссия аъзоси | ____________ | А.Абдуллаев |
| Ахборот техналогиялари ва рейтинг сектор бошлиги комиссия аъзоси | ____________ | А.Сатторов |
| Бош мутахасис, комиссия аъзоси (котиб) | ____________ | Ш.Набиева |